

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi
ИСРОИЛ-ФАЛАСТИН МУНОСАБАТЛАРИНИ ЕЧИШ
ВАРИАНТЛАРИ

Каримов Бахтиёр Рахманович,

*Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Шарқиунослик институти етакчи илмий ходими,
karimov.bahtiyor@yahoo.com*

Замонавий халқаро муносабатлар тизимининг долзарб муаммоси Истроил-Фаластин муносабатлари муаммосининг мумкин бўлган ечимларини излашдир. Ушбу зиддиятли муносабатлар халқаро муносабатларнинг бутун замонавий тизимига катта таъсир кўрсатмоқда.

Биз ушбу муносабатларнинг асосий субъектларининг позицияларини таҳлил қилиш асосида ушбу муаммонинг турли хил ечимлари тизимини топишга ҳаракат қиласиз.

1) Фаластин миллати дунёning бошқа барча миллатлари билан тенгхуқуқли миллат бўлишни хоҳлайди. Шунинг учун, бошқа барча миллатлар ўз миллий ерларини бошқа миллатга, шу жумладан яхудий миллатига беришни истамасалар, фаластин миллати ҳам ўзининг этник миллий ерини бошқа миллатга, хусусан, яхудий миллатига беришни хоҳламаяпди. Фаластин миллати ўз ерларини бошқа миллатга, жумладан яхудий миллатига, бермаслик ҳуқуқига эга. Фаластин миллати бутун Фаластин худудида ўзининг суверен мустақил Фаластин давлатини яратишга интилмоқда. Шунинг учун у Фаластин ерларини тортиб олмоқчи бўлаётган ва фаластин миллатини қарам қилиш, қувиб чиқариш, ёки йўқ қилиш билан шуғилланаётган сионистик босқинчилардан ўз юртини озод қилиш учун курашмоқда.

2) Истроил сионистлари бутун Фаластин ҳудудини эгаллаб олишни ва фаластин миллатини турли мамлакатларга мажбурий эмиграцияга қувиб чиқаришни, улар эмиграцияга борган мамлакатларда ассимиляция

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

бўлишларини, фаластин миллатининг ягона бир миллат сифатида мавжуд бўлмай, йўқ бўлиб кетишини режалаштироқда. Сионистлар шу усул билан фаластин миллати ўз ерининг унга қайтарилишини даъво қилмайдиган даражада йўқ бўлишига эришмоқчи. Шундай қилиб, сионистларнинг режаларига кўра, яхудий миллати “ерсиз миллат” ҳолатидан ери фаластин миллатидан тортиб олиб, ерга эга миллатга айланади, аммо ерсиз янги миллат – фаластин миллати вақтинча пайдо бўлади, лекин у бошқа миллатлар таркибида ассимиляция бўлиб, йўқ бўлиб кетади. Воқеалар ривожининг ушбу версиясида сионистик шиор: “Ерсиз миллатга, миллатсиз ер!” (Теодор Герцл) амалга оширилган бўлар эди.

3) Яхудий миллатини қадимги замонда еридан қувиб чиқаришни амалга оширган Рим империясида римликлар ва юнонлар етакчи рол ўйнаган ва Европанинг кўп миллатлари уларнинг авлодлари. Яхудий миллатининг катта қисмини йўқ қилишни амалга оширганлар Европа фашистлари ва антисемитларидир. Европа халқлари ва уларнинг аждодлари яхудий миллатига нисбатан ушбу қувгин ва қирғинларнинг асосий қисмини амалга оширган бўлсаларда улар яхудий миллати учун миллий ҳудудининг бир қисмини ажратишни истамаяпди.

4) Россия СССР шаклида Яхудий автоном вилоятини яратди ва шу билан яхудий миллати учун ўзи босиб олган Сибирнинг бир қисмини ажратиб берди, яъни Россия империяси томонидан босиб олинган халқларнинг этник ҳудудларининг бир қисмини, Сибир тубжой халқлари ҳудудларининг бир қисмини ажратиб берди. Лекин яхудий миллатининг ўзи у ерга кўчиб ўтишни хоҳламади. Россия бу ишни ана шу туб халқларнинг розилигини аниқламасдан амалга оширди, яъни шу маънода Россия бу рус миллатиники бўлмаган ҳудудни яхудий миллатига қонуний равища ажратмаган. Рус миллати ҳам бошқа Европа халқлари каби рус этник ҳудудини яхудий миллатига ажратиб беришни истамаган ва ҳозир ҳам беришни хоҳламайди.

5) Можаро иштирокчиларининг ҳар бири, Исроил ҳам, Фаластин ҳам, Фаластин ҳудудига ўзининг этник ва давлат ҳудуди сифатида тўлиқ эгалик

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

қилишни, у ерда ўз миллий давлатини қуришни истайди ва давлат тили сифатида ўз миллий тили ишлатилишини хохлайди. Можаронинг моҳияти шундан иборат.

6) Тарихий Фаластин ҳудудини тахминан тенг икки қисмга бўлиш йўли билан, ушбу ҳудудларда икки суверен давлат, мустақил Истроил ва мустақил Фаластин давлатларининг тузилиши ва параллел равишда мавжуд бўлиши вариантини икки томон ҳам рад этмоқда. Бу вариантни ҳар икки томоннинг радикал қанотлари қатъяян рад этмоқда, гарчи улар БМТ ва дунёning аксарият давлатлари ҳозирда ушбу икки давлат вариантини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаётганлигини ва ушбу вариантни амалга оширишни талаб қилаётганлигини билишса ҳам. Афсуски, Инсоният ушбу икки томон ҳам рад этаётган вариантни талаб қилиб туриб, Истроил-Фаластин можароси муаммосини ҳал қилишнинг бошқа, муқобил вариантларини ҳали БМТ орқали фаол кўриб чиқмаяпти, гарчи бу можаро инсоният учун ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган жаҳон ядро урушига айланиши мумкин.

7) Бир қатор муаллифлар 1948 йилда БМТ томонидан Истроил ва Фаластин араб давлати учун ажратилган ҳудудни ҳудудий жиҳатдан ўз ичига олган ягона кўп миллатли ва кўп динли Фаластин демократик давлатини яратиш вариантини таклиф қилмоқдалар. Аҳоли таркиби жиҳатидан бу давлат замонавий Истроил ва Ғазо секторининг бутун аҳолисини, шунингдек, 1948 йилдан бери ўз ҳудудларидан қувилган барча фаластиналар ва уларнинг авлодларини ўз ичига олади, уларга ушбу бирлашган Фаластин давлатига қайтиш имконияти берилади. Бу вариант Истроил давлати раҳбарияти, шунингдек, кўпчилик фаластиналар томонидан рад этилмоқда, чунки яхудийлар ва фаластиналар ўртасидаги мавжуд ўзаро душманлик муносабатлари туфайли бу имконсиз деб ҳисобланади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш, шунингдек, ушбу бирлашган давлатда иккита давлат тили – араб ва иброний тиллари мавжуд бўлиши билан мураккаблашади, чунки бу икки тилни бирлашган Фаластин давлатининг барча аҳолиси билиши керак бўлади. Шунинг учун бу давлат на фаластиналар, на яхудийлар учун миллий давлат

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

бўлади, ваҳоланки бу икки миллатнинг ҳар бири ўз миллий давлати бўлишини хоҳлайди. Бу вариантни ҳозир иккала томон ҳам рад этмоқда ва шунинг учун уни ҳозирги даврда амалга ошириш имконсизdir.

8) Бундай вазиятда Истроил-Фаластин муносабатлари муаммосини ҳал қилишнинг яна бир вариантини кўриб чиқиши мумкин: агар дунёнинг муайян давлати ва муайян миллати БМТ воситасида фаолият юритувчи Инсониятга ўз давлати ҳудудининг бир қисмини, этник миллий ҳудудининг бир қисмини Инсоният томонидан БМТ орқали яхудий миллати учун миллий давлат яратиш мақсадида берса (ёки сотса). Бу масала ушбу давлат ва ушбу миллат фуқароларининг референдуми, шунингдек, яхудий миллатининг референдуми орқали ҳал қилиниши керак. Шунга ўхшаш қарорлар дунёнинг бир қанча давлатлари ва миллатлари томонидан параллел равишда қабул қилиниши ҳам мумкин ва улар биргаликда ҳаракат қилишлари мумкин. Шу билан бирга, Инсоният БМТ Бош Ассамблеясида ушбу масалани кўриб чиқиши ва ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиши мумкин. Ушбу лойиҳани амалга ошириш зарурати тўғрисида қарор қабул қилинса, БМТ уни амалга оширишни мувофиқлаштириши мумкин.

9) Агар 6, 7 ва 8-бандларда кўрсатилган вариантлар бўйича муаммони ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, унда бу вазиятда ушбу муаммони ҳал қилишнинг яна бир варианти – бу БМТ томонидан мувофиқлаштирилган Инсониятнинг сиёсий, молиявий ва саноат саъй-ҳаракатлари асосида Инсониятга тегишли халқаро сувларда, Жаҳон океанида Инсоният томонидан сунъий орол яратилиши ва ушбу оролда яхудий миллатининг миллий давлати яратилиши вариантидир. Яхудий миллати референдум орқали, ҳамда БМТ ва дунёнинг бошқа давлатлари билан келишилган ҳолда, ушбу оролнинг жойлашуви ва унинг конструкциясини танлаши мумкин бўлади. Агар муайян давлат ўзининг ҳудудий сувлари, қўшни зонаси, эксклюзив иқтисодий зонаси ва шелфининг бир қисмини ушбу мақсадлар учун БМТга беришга (сотишга) рози бўлса, унда орол эмас, балки яrim орол яратиш мумкин бўлади. Орол (яrim орол) ҳудуди ва аҳолисининг зичлиги тахминан Сингапур ҳудуди ва

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

аҳолиси зичлигига тенг бўлиши мумкин.

10) Инсоният, шунингдек, жуда коп фожиаларни бошидан кечирган Фаластин миллатига Фаластин ҳудудида ўз миллий давлатини қуришда ёрдам бериши керак.

11) Фаластиндаги барча динларнинг муқаддас жойларига ташриф буюриш, уларни зиёрат қилиш учун имкониятлар БМТ томонидан маҳсус режим орқали таъминланиши керак бўлади.

Инсоният БМТнинг фаол ҳаракатлари орқали Исройл-Фаластин муносабатлари муаммоларини ечишнинг барча вариантларни амалга ошириш имкониятларини аниқлаши ва можаронинг ҳалокатли оқибатларининг олдини оладиган оқилона ечим топиши керак.